



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI**

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим

**Кавказ мусулмонлари идораси раиси,
Шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода
Ҳазратларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу,


Ҳурматли Шайхулислом Ҳазратлари!

Бутун мусулмон дунёси катта хурсандчилик билан қарши олаётган, Яратганнинг раҳмат ва баракоти ёғиладиган муборак ва қутлуғ Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табрикларимни изҳор этишдан беҳад мамнунман.

Сизнинг қардош мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада кучайтириш, жаҳонда муқаддас исломнинг чин инсонпарварлик моҳияти ва маърифатини, диний бағрикенглик ғояларини фаол тарғиб этиш борасидаги улкан хизматларингизни алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Ушбу фазилатли ва эъзозли айёмда Сизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, қардош Ўзбекистон ва Озарбайжон эллари ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ва хайрли ишларингизда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳамиша мададкор бўлишини тилаб қоламан.

Эҳтиром билан,


Шавкат Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2025 йил 30 март

**ÖZBƏKİSTAN RESPUBLİKASININ
PREZİDENTİ**

Bismillahir-Rahmənir-Rahim

**Qafqaz Müsəlmanları İdarəsinin Rəisi
Şeyxülislam Allahşükür Paşazadə
Həzrətlərinə**

Əssalamu əleykum və rahmətullahi və bərakatuhu,

Hörmətli Şeyxülislam Həzrətləri!

Bütün müsəlman dünyasının böyük sevinclə qarşıladığı, Yaradanın rəhmət və bərəkət yağdırdığı mübarək və müqəddəs Ramazan bayramı münasibətilə Sizə səmimi təbriklərimi bildirməkdən böyük məmnunluq duyuram.

Qardaş ölkələrimiz arasında yaxın dostluq, strateji tərəfdaşlıq və müttəfiqlik əlaqələrini hərtərəfli möhkəmləndirmək, qarşılıqlı etimad və həmrəyliyi daha da gücləndirmək, dünyada müqəddəs İslamın həqiqi humanist mahiyyətini və maarifçiliyini, dini dözümlülük ideyalarını fəal şəkildə təbliğ etmək istiqamətindəki böyük xidmətlərinizi xüsusi qeyd etmək istərdim.

Bu fəzilətli və əziz gündə Sizə uzun ömür, möhkəm cansağlığı, qardaş Özbəkistan və Azərbaycan xalqları arasında çoxşaxəli əlaqələrin möhkəmləndirilməsi yolunda gördüyünüz xeyirxah və nəcib işlərinizdə Uca Allahın daim yardımçı olmasını diləyirəm.

Ehtiramla,

Şavkat Mirziyoyev

*2025-ci il 30 mart
Daşkənd şəhəri*